2020 ЙИЛ 23 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 12 (14.063)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ матни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ассалому алайкум, ҳурматли қўшма мажлис иштирокчилари!

Муҳтарам депутат ва сенаторлар!

Сизлар билан куни кеча бўлиб ўтган тадбирларда парламент палаталарининг келгуси 5 йилдаги устувор вазифалари ҳақида батафсил гаплашиб олдик.

Бугун эса, Бош вазир номзоди ҳамда Ҳукуматнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз равнақи учун муҳим қарор қабул қилишимиз керак. Чунки, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг барқарор ривожланиши учун айнан Бош вазир ва у раҳбарлик қиладиган Ҳукумат масъул ҳисобланади.

Биз ўтган 3 йилда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, барқарор бозор иқтисодиётини шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳалар, жумладан, тиббиёт, таълим ва илм-фан йўналишларидаги ишларни такомиллаштириш бўйича қатор ислоҳотларни бошладик.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси доирасида аввал эгаси бўлмаган соҳаларда 12 та мутлақо янги давлат бошқаруви органлари ташкил этилди, 20 та вазирлик ва идора фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳанинг устувор йўналишларини ўрта ва узоқ муддатда жадал ривожлантириш бўйича 3 йилда 30 дан ортиқ концепция ва стратегиялар қабул қилинди.

Ҳукуматнинг, вазирлик ва идоралар, жойлардаги ҳокимлар, бутун давлат бошқаруви тизимининг асосий вазифаси – ислоҳотлар доирасида қабул қилинган ушбу дастурий ҳужжатлар ижросини қатъий таъминлаш, реал натижадорликка эришишдан иборатдир.

Бу борада олдимизда жуда кўп муаммоли масалалар турибди. Айрим муҳим йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотларимиз бир текис бораётгани йўқ.

Айниқса, ёқилғи-энергетика, геология, транспорт, қурилиш, йўл қурилиши, тадбиркорлик, аграр тармоқни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ичимлик суви таъминоти, аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш масалаларида халқимиз биздан янада кўпроқ ва аниқ натижалар кутмоқда. Ҳозирча Ҳукумат ушбу соҳалар бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ уддаламоқда, деб айтишга ҳали эрта.

Жойларда жуда кўплаб муаммо ва масалалар ўз ечимини топиши зарур. Одамларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари кун сайин ўсиб бормоқда. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг барча янги аъзоларидан ўзлари масъул ва жавобгар бўлган соҳаларга танқидий ёндашиб, зиммаларидаги вазифаларни самарали бажаришлари талаб этилади.

Бир сўз билан айтганда, амалий натижадорлик ва халқ манфаатларини рўёбга чиқариш ҳар бир Ҳукумат аъзоси фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлиши шарт.

Биз келгуси беш йил учун юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, саноат тармоқлари, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой ва коммунал соҳаларни ривожлантириш борасида катта марраларни белгилаб олдик. Жумладан, ялпи ички маҳсулотни қарийб 2 баробар ошириш ёки 58 миллиард доллардан 100 миллиард долларга етказиш зарур.

Инфляция даражасини 5 фоизга камайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш Ҳукумат, Марказий банк ва барча даражадаги ҳокимларнинг умумий вазифаси бўлиши керак.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йиллик ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш ва экспорт ҳажмини 30 миллиард долларгача кўпайтириш керак. Ушбу устувор вазифаларга эришиш учун иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларида аниқ натижаларни таъминлаш талаб этилади. Жумладан, иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, диверсификация асосида экспорт ҳажмини кескин ошириш, соҳага аграр ва сувни тежайдиган юқори технологияларни жорий этишга қаратилган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегия қабул қилинди.

Энг муҳими, бу ишларимизнинг бош мақсади – фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини янада ошириш, қишлоқларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва янги иш ўринлари барпо этишдан иборат.

Бошоқли донннинг ўртача ҳосилдорлигини 75 центнерга етказиш, умумий экин майдонлари таркибида озуқа экин майдонларини 12 фоизга кенгайтириш лозим.

Мева-сабзавотчилик ва чорвачилик, таъбир жоиз бўлса, қишлоқ хўжалигининг асосий локомотивлари бўлиши керак.

Мева-сабзавотчиликда экспорт ҳажмини 2025 йилда камида 5 миллиард доллардан ошириш, бунинг учун кооперация ва кластер тизимини жадал жорий этиш, маҳсулотни сақлаш, ташиш ва қайта ишлашнинг яхлит ва замонавий инфратузилмасини ташкил этиш ва янада кенгайтириш лозим.

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида замонавий чорва комплекслари ва оилавий кооперациялар барпо этиш, илм-фан ва юқори технологияларга асосланган ҳолда чорва наслини 60 фоизга яхшилаш учун барча чораларни кўриш зарур.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида Ҳукумат олдида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини келгуси беш йилда 2,5 баробар ошириш вазифаси ҳам турибди.

Глобал шароитда, айниқса, минтақамизда йилдан-йилга камайиб бораётган сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича кечиктириб бўлмас чораларни кўриш талаб этилади.

Келгуси беш йилда суғориладиган ерларнинг камида 30 фоизига томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежайдиган технологияларни жорий этиш зарур. Шунингдек, сув ҳисобини юритиш тизимини татбиқ қилиш ҳамда сув балансини мунтазам равишда олиб бориш керак.

Давлат-хусусий шерикликни кенг жорий этиш ҳисобидан сув иншоотлари эксплуатация ва инвестиция харажатларини камида 15 фоизга қисқартириш чораларини кўриш лозим.

Замонавий технологиялар ҳисобидан рақобатдош ва илғор қишлоқ хўжалиги техникаларини етарли даражада ишлаб чиқариш орқали фермер ва кластерларни техника билан таъминлаш кўрсаткичини ҳозирги 45 фоиздан камида 70 фоизга етказиш зарур.

Бу борада импорт қилинаётган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг ташқи бозорларга чиқишини алоҳида назоратга олиш керак.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш йўлидаги энг катта хавф-хатарлардан яна бири – бу нефть-газ ва энергетика тармоғидаги мавжуд муаммолар билан боғлиқ.

Ҳукумат бу соҳаларни трансформация қилиш, уларга хусусий секторни фаол жалб этиш, ҳисоб-китобни жой-жойига қўйиш орқали ортиқча йўқотишларни тўлиқ қисқартириш ва талон-тарожликларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўриши зарур.

Нефть-газ соҳасида 2025 йилда ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 5,2 миллион тоннага ошириш, бунинг учун бу йил 4,1 миллиард долларлик 5 та объектни ишга тушириш керак.

Келгуси беш йилда электр энергияси ишлаб чиқаришни камида 80 миллиард киловатт соатга етказиш, шунинг камида 20 фоизини қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан таъминлаш талаб этилади. Шунингдек, 2020 йилда электр энергияси бўйича 7 миллион, 2022 йилда табиий газ бўйича 3,5 миллион истеъмолчиларни ҳисобга олиш ва уларнинг автоматлашган назорат тизимига уланишини таъминлаш учун Ҳукумат зарур чора-тадбирларни кўриши керак.

Мамлакатимизда мавжуд табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш учун барча амалий чораларни кўришимиз зарур. Бунинг учун Ҳукумат геология соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурий ҳужжатлар ижросини тўлиқ бажариши шарт.

Тоғ-кон саноатида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар ва йирик инвестиция лойиҳалари ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2025 йилгача 1,5 баробар кўпайтириш лозим.

Мавжуд хом ашё базасини тўлиқ сафарбар этиш, чет элдан олиб келинаётган маҳсулотларни ўзимизда чиқаришни кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ҳисобидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни шу даврда 3 баробар кўпайтириш энг муҳим вазифалардан биридир.

(Давоми 2-бетда)

Хорижий давлатларнинг расмий, ишбилармон ва эксперт доиралари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари ҳамда парламент иккала палатасининг қўшма мажлисидаги нутқларини катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ қилиш институти бош директори Тецужи Танака Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисдаги нутқлари ва Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг мамлакат парламентининг навбатдаги сессияси очилишидаги нутқи бир вақтга тўғри келганида чуқур рамзий маъно борлигини таъкидлади. У Ўзбекистонда халқаро демократик тамойиллар руҳида ўтказилган парламент сайловида халқаро кузатувчи мақомида қатнашганини маълум қилди.

Мутахассис Ўзбекистон раҳбари нутқларининг мазмунмоҳиятига тўхталиб, уларни "ўз вақтидаги ва муҳим фикрлар", дея таъкидлаган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг жамиятни янада демократлаштириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштиришга қаратилган режаларини юқори баҳолаган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТ ПАРЛАМЕНТИДАГИ НУТҚЛАРИ – ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Т.Танака янги таркибдаги парламентга 48 нафар хотин-қиз сайланганини мамнуният билан қайд этган. Бу Ўзбекистоннинг гендер тенглиги тамойилига содиқлигини намоён этмоқда. Япон эксперти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига Ўзбекистонни янада равнақ топтириш ва фаровонлиги йўлидаги фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Япония тиббиёт соҳасида ташқи техник кўмак кўрсатиш ташкилоти (OMETA) раиси, "Сакура Глобал Холдингс" компанияси бош ижрочи директори К.Мацумото Япония бизнес ҳамжамияти Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораётганини таъкидлади. Бу қизиқиш, айниқса, Ўзбекистон – Япония муносабатларида янги даврни бошлаб берган 2019 йил декабрь ойидаги олий даражадаги ташрифдан сўнг янада ортди.

Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис палаталари мажлисларида сўзлаган нутқларини чуқур ўрганиб чиққан япон тадбиркорининг фикрича, мазкур ҳужжатлар мамлакатнинг яқин келажакдаги тараққиёти йўналишларини белгилаб берган.

Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборни тортмоқда. К.Мацумото 2019 йил декабрь ойида эришилган келишувга биноан Тошкент шаҳрида ўзбек-япон тиббий марказини ташкил этиш, чақалоқлар учун инкубатор ва буғ стерилизаторларини йиғиш ишларини ташкиллаштириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали мамлакатда ушбу соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшишга тайёрлигини билдирди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ҲАРАКАТНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИ БЎЛДИ

WorldSkills International (WSI) дунё миқёсида ишчи касбларнинг обрўси, касбий тайёргарликнинг мавқеи ва стандартларини оширишга қаратилган халқаро нотижорат ҳаракатдир. Унинг асосий фаолияти ёшлар учун турли даражадаги касбий танловлар ташкил этиш ва ўтказишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 17 январь куни мазкур нуфузли ҳаракатнинг директорлар кенгаши Ўзбекистоннинг унга аъзо бўлиш тўғрисидаги аризасини қўллаб-қувватлаган эди. Шу тариқа мамлакатимиз WSI ташкилотининг 83-аъзоси бўлганди.

WorldSkills Uzbekistan Ишчи касбларни ривожлантириш ва оммалаштириш уюшмаси WSIнинг миллий оператори ҳисобланади. Мазкур уюшма Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва қатор идоралар ҳамкорлигида таъсис этилган.

Ушбу ҳаракат фаолиятида иштирок этиш мамлакатимизга янги имкониятлар, хусусан, ёшлар бандлигини ошириш учун янги истиқболлар тақдим этади. Касбий малакаларни меҳнат бозоридаги талабларга мувофиқ ошириш, ёшларнинг ҳоҳиш-истак ва талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни муносиб иш билан таъминлаш иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартларидандир.

2019 йилнинг декабрь ойида Тошкентда 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёш мутахассислар ўртасида ишчи касблар бўйича биринчи чемпионат бўлиб ўтган эди. Икки кун давомида иштирокчилар ўнта, хусусан, ошпазлик, сантехника, электр монтаж иши, мода технологиялари каби касбий малакалар бўйича баҳслашди.

Чемпионат банд бўлмаган аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича юртимизда янги очилган "Ишга марҳамат" мономарказининг пойтахтимизнинг Яшнобод туманида жойлашган базасида бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабздан ёш мутахассислар, Татаристон ва Қозоғистондан терма жамоалар, Нижний Новгород ва Москвадан ташриф буюрган иштирокчилар қатнашди.

Шунингдек, ўтган йилнинг куз ойларида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг матбуот хизмати Россиянинг Меҳнат ва бандлик бўйича федерал хизмати билан мамлакатимизда WorldSkills Russia ўқув марказини ташкил этиш тўғрисида келишиб олгани ҳамда юртимизда меҳнат мигрантларининг ваколатларини мустақил баҳолаш тизими йўлга қўйилгани ҳақида маълум қилган эди.

WSI ишчи касбларга эътиборни жалб этиш ва юқори профессионал стандартларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишни ўз вазифаси деб билади. Йилига икки маротаба дунё миқёсида WorldSkills ишчи касбларининг чемпионати бўлиб ўтади. Ҳозирги кунда мазкур йирик мусобақа "Ишчи қўллар олимпиадаси" деб ҳам аталади.

Роман БОНДАРЧУК

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги Ёджу Техника Институти Инновация маркази ходимлари томонидан "Шамол ҳаракатини механик ҳаракатга айлантирадиган клапанли қурилма" (Шамол генератори) лойиҳасининг тажрибавий намунаси лаборатория синовидан ўтказилди.

● Миллий ва замонавий уйғунликни ўзида мужассам этадиган муҳташам Республика бахшичилик санъати маркази қурилиши учун Термиз шаҳридаги Боғишамол маҳалласи ҳудудидан бир гектар ер майдони ажратилди. Бинони қуриб, ишга тушириш учун 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Янги марказ Бино лойиҳаси Маданият вазирлиги ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳузуридаги "Тошмирйўллойиҳа" масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Кўп қаватли муҳташам бинода марказ ходимлари учун барча шароит яратилади.

● Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида жорий йилнинг 17-20 январь кунлари Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида уйма-уй юриб, муаммоларни аниқлади. Ишчи гуруҳ туманда мавжуд жами 38 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 391 та хонадонга уйма-уй кириб, турли йўналишлардаги жами 495 та муаммони аниқлади.

● "Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти тизимида фаолият юритаётган 80 нафардан зиёд ёш мутахассис Элликқалъа туманида бўлди. Меҳмонлар дастлаб "Бўстон Мега текстил" ва "Бўстон Silk" корхоналари фаолияти билан танишиб, у ердаги меҳнат қилаётган ўз тенгдошлари билан яқиндан мулоқотда бўлдилар. Тумандаги "Очиқ осмон остидаги музей"-даги тарихий обидалар билан танишиш давомида тадбир иштирокчилари билан жонли мулоқотлар ҳам ташкил этилди. Жумладан, туман ёшларини қийнаётган муаммолар, ҳал этилиши лозим масалалар хусусида сўз юритилди.

ЖАҲОНДА

● Ашхобод халқаро аэропорти алюминийдан ишланган энг катта уч ўлчамли томга эга. Аввалроқ ушбу ташкилот Ашхобод аэропортига куш кўринишида ишланган энг катта бино учун рекорд натижа қайд қилганди. Ушбу бино қанотларини ёйиб турган лочин кўринишида ишланган. Аэропорт 2016 йилда қурилган. Аввалроқ у туркман гиламларида қўлланувчи нақшнинг энг катта тасвири билан Гиннес рекордлар китобига киритилган. Бу ҳақидаги сертификат аэропорт очилиши вақтида тақдим қилинганди. Аэропорт 1200 гектар майдонда жойлашган ва 100 та иншоотни ўз ичига олган. Аэропорт ҳар соатда 1600 йўловчи ўтказа олади.

● Apple компанияси 2020 йилнинг февраль ойидан бошлаб янги ҳамёнбоп iPhone'ни ишлаб чиқаришни бошлайди. Маълум бўлишича, янги қурилманинг тақдимоти март ойида бўлиб ўтади. Бу iPhone SE давридан буён ишлаб чиқарилган биринчи арзон модель бўлади. Bloomberg'нинг ёзишича, янги iPhone'нинг ташқи кўриниши 4,7 дюйм экранли iPhone 8'га ўхшайди. Янги моделдаги Touch ID Home тугмасига жойлаштирилади, Face ID эса қурилмада мавжуд бўлмайди. Процессор iPhone 11'нинг процессори билан бир хил бўлади. Янги смартфоннинг тахминий нархи маълум қилинмаган.

● Австралияда ёнғин туфайли уйидан айрилган эркак Gold Lotto лотереясини ўйнаб миллионерга айланди. Маълум бўлишича, Квинсленд штатида яшовчи эркакнинг ўтган йили Янги Уэльс штатида содир бўлган ёнғин оқибатида ўз оиласи билан яшаган уйи ёниб кетган. Январь ойи бошида у турмуш ўртоғининг севимли рақамларидан фойдаланиб, онлайн-лотереяда ўйнаган ва миллион Австралия доллари ютиб олган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тўқимачилик ва чарм-пойабзал саноати соҳаларида маҳаллий хомашёни тўлиқ қайта ишлаш ва экспортни кескин ошириш зарур. Бу борада 2025 йилда тўқимачилик ва чарм саноатида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни 4-5 баробар ошириб, 8 миллиард долларлик экспортни таъминлаш керак.

Юқори технологиялар асосида электротехника саноатини жадал ривожлантириш, маиший техника ва саноат электр ускуналари, кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Бунинг учун бу йил ишлаб чиқаришни 1,5 баробар ошириб, экспорт ҳажмини 2022 йилгача 500 миллион долларга етказиш талаб қилинади.

Автомобиль саноатида 2023 йилгача енгил ва юк автомобиллари ҳамда автобуслар ишлаб чиқариш ҳажмини 360 минг донага етказиш, шундан камида 100 минг донасини хорижга экспорт қилиш соҳа масъуллари учун асосий вазифа бўлади.

Кимё саноатида нафақат мавжуд минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, балки полимер, кичик тоннажли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш керак.

Ҳукуматдан чет эл инвесторлари билан бирга табиий газни чуқур қайта ишлашга қаратилган янги йирик лойиҳаларни амалга ошириш талаб этилади. Шунингдек, Ҳукумат кимё саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаб, тармоқда минерал ўғит ишлаб чиқариш улушини 76 фоиздан 33 фоизга камайтиришни ўзи учун асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олиши лозим.

Фармацевтика соҳасида келгуси 5 йилда маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмининг ички бозордаги улушини 45 фоиздан 70 фоизга ошириш ва экспортни 100 миллион долларга етказиш зарур.

Биз хорижий туристлар сонини 12 миллион нафардан ошириш вазифасини белгилаб олганмиз. Буни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, инфратузилмаларни яхшилаш, меҳмонхоналар сонини кўпайтириш, транспорт тармоқларини ривожлантириш ва хизматлар сифатини юксалтириш Ҳукумат ва ҳокимликларнинг асосий диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Юқорида айтилган барча режаларни рўёбга чиқариш ҳисобидан ишсизликни 7 фоизга камайтириб, йилига камида 500 мингта иш жойи яратиш, аҳоли даромадини 2 баробар ошириш – янги Ҳукумат олдидаги муҳим вазифадир.

Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ҳам Ҳукумат олдига аниқ вазифаларни қўймоқда. Жумладан, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини ҳозирги 74,6 ёшдан 76 ёшга етказиш ва гўдаклар ўлими кўрсаткичини ҳозирги 10 промилледдан 1,5 баробар камайтириб, 7 промиллега тушириш лозим. Ўлим кўрсаткичини саратон касаллиги бўйича ҳозирги 73 фоиздан 65 фоизга, юрак-қон томир касалликлари бўйича эса бугунги 41 фоиздан 30 фоизга тушириш устида соғлиқни сақлаш вазирлиги жиддий чора-тадбирлар кўриши керак.

Бундан ташқари, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш каби оғир ҳаётий масалаларни узил-кесил ҳал этиш лозим.

Шу билан бирга, зарур шарт-шароитларга эга бўлган уй-жойларда яшайдиган аҳоли сонини 65 фоизга етказиш устувор йўналишлардан биридир. Бу борада Ҳукуматдан, ипотека кредити беришнинг янги тартибига биноан, хусусий пудрат ташкилотларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини жорий этиш талаб этилади. Бу масала бўйича барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг масъулиятини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Иссиқлик таъминоти соҳасида жорий йил Тошкент шаҳрида, 2022 йилга қадар Наманган, Жиззах, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш зарур.

Барчамиз бир фикрни чуқур тушуниб олишимиз керак: биз ўз олдимизга қўйган ана шундай устувор вазифалар – жуда мураккаб ва ҳақиқатан ҳам улкан марралардир.

Шу билан бирга, вақт ўтгани сайин дунё ҳам ўзгармоқда, одамларимизнинг яхши яшашга бўлган талаблари ҳам ортиб бормоқда. Энди кечаги натижа билан халқимизни рози қила олмаймиз. Бугунги кун ҳар куни изланиш, янгилик яратишни талаб этмоқда. Фақат ана шундай талаблар асосида иш олиб бориб, халқимизнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириш мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу вазифалар ижросини тўла таъминлаш учун иш услубини тубдан такомиллаштириши, ўз фаолиятини самарали ташкил этиши керак.

Биринчидан, Ҳукумат қонун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир туман ва қишлоққа, ҳатто олис ва чекка ҳудудларгача етиб боришини таъминлаши зарур.

Биз қанча мукаммал қонун, фармон ва қарорлар қабул қилмайлик, агар улар жойларда етарлича амалга оширилмаса, шунча меҳнат ва саъй-ҳаракатимиз натижаси сезилмай қолаверади. Шунинг учун вазирлик ва идоралар ҳамда жойлардаги ҳокимликлар ишини оқилона ва самарали йўлга қўйиш Вазирлар Маҳкамасининг бош вазифаси бўлиши лозим.

Энди ҳар бир топшириқнинг ижро этилгани қоғозга қараб эмас, эришилган пировард натижага қараб баҳоланади.

Шу боис, барча даражадаги ижро органларида интизомни кучайтириш, белгиланган вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарур.

Бунда Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси бир ой муддатда ижрони назорат қилиш борасидаги ёндашувларини тубдан такомиллаштириши лозим. Вазирлик ва идораларнинг қуйи тузилмалари билан биргаликдаги фаолияти устидан вертикал назорат ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Энг асосийси, Ҳукумат марказий идораларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда ҳокимликлар билан ҳамкорлигини ва улар ўртасидаги манфаатлар мувозанатини таъминлаш учун масъул ва жавобгар бўлади. Бунинг учун мамлакатимиз даражасида қарорлар қабул қилишда ҳокимликларнинг иштирокини ошириш лозим. Яъни ишлаб чиқилаётган қарор лойиҳаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳам келишиш тартибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ва маънавий ҳаётга оид қонун ҳужжатлари ижроси билан боғлиқ барча муаммолар ўз ечимини Ҳукумат даражасида топиши керак. Хусусан, туристлар оқимини кўпайтиришда ҳаво, темир йўл транспорти харажатларини камайтириш, билетлар нархини арзон қилиш, йўллар сифати ва инфратузилмасини яхшилаш каби қатор муаммолар мавжуд. Уларнинг ечими юзасидан Туризм қўмитаси ва Транспорт вазирлиги ўртасида ягона сиёсат ва ёндашув бўлиши керак.

Ёки инвестиция киритиш ва унга тўсиқ бўлаётган турли муаммолар бир вақтда муҳокама қилиниб, ўша жойнинг ўзида уларнинг ечимлари топилиши зарур. Шу боис, Ҳукумат аъзолари энг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳафтада камида бир марта йиғилиб, халқимизни қийнаган муаммоларни ўртага ташлаб, юзма-юз ўтириб, муҳокама қилишлари, уларнинг ечимини тезкорлик билан, аҳил ва якдил жамоа бўлиб ҳал этиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган, лекин йиғилмасдан ва реал муҳокама ўтказмасдан қарор қабул қиладиган комиссия ва ишчи гуруҳларни тугатиш вақти етди.

Яна бир масала – ижро ҳокимияти идоралари қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали ва бошқа шаклларда кенг жамоатчилик фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориши керак. Шу билан бирга, электрон портал, ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалар ташкил этиб, аҳоли билан "қайта алоқа" тизимини йўлга қўйиш лозим.

Иккинчидан, ҳар бир ижро органи ўзи масъул бўлган соҳани ўрта ва узоқ истиқболда ривожлантириш бўйича аниқ режа ва дастурларга эга бўлиши зарур.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳамма раҳбарлар ҳам бу талабни тўлиқ тушунаётгани ва аҳамиятини чуқур англаб етаётгани йўқ, десак, бу ҳам тўғри бўлади. Аксарият мутасаддилар муаммоларнинг ўз вақтида олдини олиш ўрнига, бор куч ва ресурсларни уларнинг оқибатларини бартараф этишга самарасиз сарфламоқда.

Энди иш фаолиятини фақат ишхонасида ўтказган ва қоғозбозликка берилиб, амалий натижани кейинги ўринга тушириб қўйган раҳбарлар билан хайрлашамиз. Қонунчилик палатаси депутатларидан ҳам Вазирлар Маҳкамаси янги таркибини кўриб чиқишда ушбу масалаларга алоҳида эътибор беришларини сўраган бўлар эдим.

Тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун замонавий менежмент тизимига ўтишимиз лозим. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари иш услубини ўзгартириб, масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олишни ўрганиши керак.

Аҳоли ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал этиш бўйича янги ташаббусларни илгари суриб, уларни ҳаётга жорий этиш раҳбарлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши лозим.

Ўз вақтида ҳал қилинмаган муаммолар жойлардаги аҳоли кайфияти ва турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатишини бир сония бўлса ҳам унутмаслигимиз зарур.

Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларидан бошлаб ижро ҳокимияти органларининг барча даражадаги раҳбар ва ходимлари фаолиятига натижадорлик мезонлари (KPI) асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тизимни халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичлари билан уйғунлаштириш талаб этилади. Бинобарин, улардаги баҳолаш мезонларининг барчаси халқимизнинг мушкулини осон этишга хизмат қилади. Ахир, биз учун энг муҳим, айтиш мумкинки, бирламчи вазифа айнан шу эмасми?

Мисол учун, Жаҳон банкининг ўтган йилги "Давлат бошқаруви индикатори"да мамлакатимиз 5 та кўрсаткич бўйича ўз ўрнини яхшилади. Бунга эришиш учун халқ дардини эшитадиган, унинг оғирини енгил қиладиган самарали тизим яратдик, матбуот эркинлиги ҳамда давлат идораларининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни бошладик.

Бундан фойда бўлдими? Албатта, фойда бўлди.

Ёки яна бир мисол, 2 та солиқ турини бирлаштирганимиз "Бизнес юритиш" рейтингининг солиққа тортиш йўналишидаги кўрсаткичимиз яхшиланишига сабаб бўлди. Бундан ким кўп манфаат кўрди? Албатта, тадбиркор ва ишбилармонларимиз. Чунки солиқ тўлаш шакли ва жараёнлари кескин соддалашди.

Шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимини яратиш мақсадида Ҳудудларнинг ривожланиш индекси ишлаб чиқилиши лозим. Ҳукумат мазкур индекс асосида ҳудудларга оид сиёсатни белгилаши, маҳаллий бюджетларга молиявий кўмак бериш ҳамда раҳбарларни рағбатлантириш масалаларини пухта кўриб чиқиши керак.

Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қайси ҳудудда инфратузилма етишмаяпти, қайси ҳудудга кўпроқ банк ресурслари ва субсидиялар керак, деган саволларга жавобни ана шу индекс кўрсатиб бериши зарур.

Учинчидан, давлат органлари фаолияти ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши устувор вазифага айланиши керак.

Ижро ҳокимияти органлари иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотлар, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда ижроси ҳақида халқимизга содда ва равон тилда тушунтириш бериб боришлари лозим. Бу борада оммавий ахборот воситаларидан, ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлардан кенг фойдаланиш, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиа-турлар ташкил этиш зарур.

Шунингдек, Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган долзарб масалалар бўйича тезкор чоралар кўриши ва уларга принципиал муносабат билдириши лозим. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш учун ҳар бир идора ўзининг медиа дастурини ишлаб чиқиши, Вазирлар Маҳкамаси бу масаланинг ижросини қатъий назоратга олиши зарур.

Ҳар бир вазирлик ва идора маълумотлар очиқлиги фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, ўзининг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида маълумотларни мунтазам жойлаштириши ва янгилаб бориши зарур.

Яна бир масала – ҳозирги вақтда қарорлар лойиҳасини электрон портал орқали кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш тизими ишлаётгани, бу жараёнда халқимиз ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббуслари билан иштирок этаётгани ижобий натижа бермоқда.

Жумладан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қўйилган 4 мингга яқин қонун ҳужжатлари лойиҳасига 17 мингдан зиёд таклиф киритилган бўлиб, мингдан ортиқ ҳужжатлар қайта ишланган.

Шу билан бирга, қабул қилинган қарорларнинг амалда қандай ишлаётганини баҳолаш тизими мавжуд эмас. Вазирлар Маҳкамаси қарорларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги бўйича аҳоли фикрини ўрганиш тизимини амалиётда қўллаш юзасидан таклиф ишлаб чиқсин.

Ишончим комил, бундай чора-тадбирлар Ҳукуматни халққа яқинлаштиради. Айни вақтда қабул қилинаётган қарорлар сифати ва раҳбарлар масъулиятини ҳам оширади.

Тўртинчидан, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мутлақо янги босқичга кўтариш ва унинг самарадорлигини оширишнинг фурсати келди.

Вазирлар Маҳкамаси парламентга тайёрлаб киритилаётган қонун лойиҳалари сифатини оширишга жиддий эътибор қаратиши зарур. Ҳукумат, ҳар бир вазирлик ва идора қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича янгича иш услубига ўтиши лозим.

Қонунчилик палатасида қонун лойиҳалари ҳамкорликда кўриб чиқилишини, Ҳукумат – қўмита – Қонунчилик палатаси ўртасида фаолият уйғунлигини таъминлаш зарур.

Яна бир муҳим масала – ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлигини янада ошириш керак. Бу борада ҳар йили Давлат дастури ижроси юзасидан Ҳукумат ҳисоботини эшитиш тизими жорий этилди. Энди ижро ҳокимияти органлари муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан парламент палаталари олдида мунтазам равишда ҳисобот бериши зарур.

Мазкур ҳисоботлар жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилиши лозим. Бу – қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос мулоқот майдони сифатида ижобий натижасини кўрсатишига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Қадрли дўстлар!

Конституциямизнинг 98-моддасига кўра, Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Хабарингиз бор, сайловларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонунчилик палатасида энг кўп, яъни 53 нафар депутатлик ўрнини эгаллади. Ушбу партиядан сайланган депутатларни ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг барча аъзоларини ана шундай юксак натижа билан самимий табриклайман.

Партиянинг куни кеча бўлиб ўтган Сиёсий кенгаши мажлисида Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва Президентга тақдим этилди.

Бош вазир лавозимига номзод танлаш ва уни тасдиқлаш ҳақида гап борар экан, албатта, бу ўта мураккаб ва масъулиятли масала эканини барчамиз жуда яхши тушунамиз. Чунки бу лавозимга ҳар томонлама чуқур билим ва катта тажрибага, кенг тафаккур ва замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган, жонкуяр, ўзига ва бошқаларга талабчан ҳамда ташкилотчи номзод танланиши зарур.

Албатта, турли синовларда тобланган, жавобгарликни зиммасига олишга қодир, одамлар билан тил топиша оладиган, уларнинг ҳурматини қозонган, қисқача айтганда, кўпни кўрган ва жонкуяр инсонни топиш анча оғир ва мураккаб вазифадир.

Шу маънода, бугун Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этиладиган номзод ўз фаолияти ва аввалги лавозимларида амалга оширган ишлари билан эл-юртимиз эришган ютуқларга муносиб ҳисса қўшган шахс бўлиши керак.

Биз бу масала бўйича жуда кўп ўйлаб, тегишли маслаҳат ва кенгашлар ўтказдик. Жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раҳбарияти ва фаоллари билан ҳам атрофлича маслаҳатлашиб олдик.

Билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, мен ушбу ўта масъулиятли лавозимга ҳам амалий соҳада, ҳам марказий идораларда кўп йиллик бошқарув кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган, сўнгги уч йил давомида Бош вазир лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Абдулла Нигматович Арипов номзодини тавсия этаман.

Абдулла Арипов бугунги кунда олдимизда турган жуда катта вазифаларни ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини самарали ташкил этиш, Ҳукумат аъзолари, ҳокимлар ва бошқа раҳбарлар билан бир ёқадан бош чиқариб, барчани сафарбар қилиш салоҳиятига эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шунинг учун сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлардан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тавсия этилган Абдулла Нигматович Арипов номзодини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқин кунларда парламентга тақдим этиладиган Мурожаатномасида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ соҳалари ҳамда халқаро муносабатлардаги энг устувор вазифаларни батафсил муҳокама қилиб оламиз.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, жонажон Ватанимиз тараққиёти йўлида бир тану бир жон бўлиб, белни маҳкам боғлаб ҳаракат қилиш, бошлаган ислоҳотларимизни жадал давом эттириш – келгуси 5 йилда Парламент учун ҳам, Ҳукумат учун ҳам ғоятда муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Шунинг учун барчангизни яқин ҳамкорликда иш олиб боришга чақираман.

Шу йўлда ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда улкан зафарлар, бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТ ПАРЛАМЕНТИДАГИ НУТҚЛАРИ – ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Цукуба университети тадқиқот маркази раҳбари, профессор Масаки Оно 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловида халқаро кузатувчи сифатида қатнашиш унинг учун катта шараф бўлганини таъкидлади.

"Биз Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлдик. Ушбу ижобий жараёнлар очиқлик руҳида ва сиёсий партияларнинг фаоллиги шароитида ўтган парламент сайловида тўла намоён бўлди", — деб қайд этди у.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг янги сайланган Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлис Сенати аъзоларига йўлланган нутқлари тарихий аҳамиятга эга, — деди у. — Мамлакат раҳбари жамиятни янада ислоҳ қилиш ва республика аҳолиси учун яхши яшаш шароитларини яратиш жараёнида парламентнинг ортиб бораётган роли ва вазифалари тўғрисида стратегик қарашларни ўртага ташлади.

"Япония—Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси раиси Нобухико Шиманинг фикрича, Ўзбекистон Президенти парламентдаги чиқишларида 2019 йил амалга оширилган ислоҳотлар натижалари тўғрисида гапириб, депутатлар, сенаторлар ва ҳукумат аъзолари олдига кейинги беш йилда бажарилиши керак бўлган янги вазифаларни қўйди.

— Ўзбекистон янги раҳбар раҳнамолигида сўнгги йилларда улкан ютуқларга эришди. Аҳолининг турмуш даражаси ва мамлакат имижини яхшилаш борасидаги ютуқлар халқаро ҳамжамиятда, шу жумладан Японияда жуда қадрланади. Ишонаманки, Ўзбекистон 2020 йилда янада улкан ютуқларга эришади, – дея хулоса қилди япон жамоат арбоби.

Европа истиқболлари ва хавфсизлиги институти директори Эммануэль Дюпюи (Франция) Ўзбекистон раҳбарининг ижроия ҳокимият билан мувозанатни яратиш мақсадида қонун чиқарувчи ҳокимият ролини янада кучайтириш бўйича ташаббуси мақтовга лойиқ, деб ҳисоблайди. Масалан, "ҳукумат соати" амалиётга жорий этилди, унда парламент аъзолари вазирларга бевосита ёзма ёки оғзаки мурожаат қилмоқда. Бу, шубҳасиз, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг таъсири кучайиб боришига ёрдам беради.

"Менинг фикрим" ҳукумат веб-саҳифаси фаолиятини яна фаоллаштириш муҳим қадам бўлиб, бу оддий фуқароларга маъмурий бошқарув билан боғлиқ масалаларни тўғридан-тўғри ҳал қилиш имконини беради. Яна бир муҳим ташаббус – бу парламент аъзоларининг қонун чиқарувчи ва тартибга солувчи мақомидаги вазифаларини тўлиқ бажара олиши учун уларнинг малакасини оширишга кўмак кўрсатишдир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси керакли тажриба ва имкониятларга эга", – дейди у.

Унинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Танзила Норбоеванинг Олий Мажлис Сенати раиси этиб сайлангани халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Умуман олганда, янги парламент таркибида хотин-қизларнинг кўпайгани ўрнак олишга арзийдиган ижобий воқеликдир.

"Яна бир муҳим жиҳат — Олий Мажлис Сенати ролини кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлардир. Демократия ривожи бир вақтнинг ўзидаги изчиллик, яъни юқоридан пастга (кучли давлат, мамлакатни модернизациялаш) ва пастдан юқорига (давлат даражасидаги қарорларни қабул қилишда минтақалар ва маҳаллий ҳокимият органлари вакилларининг иштироки) бўлган ҳаракатларга бевосита боғлиқдир", – деди Э.Дюпюи.

Покистон глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази (ГСТМ) президенти, мамлакатнинг Босниядаги собиқ элчиси Х.Жаффри халқаро кузатувчи сифатида Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайлови натижаларини юқори баҳолади. Шу муносабат билан у Ўзбекистонда янгиланган парламент ва ҳукуматни шакллантиришнинг якуний жараёнларини катта қизиқиш билан кузатмоқда. Бу жараёнлар республиканинг истиқболдаги ривожланишида янги тарихий босқич бўлади.

ГСТМ раҳбарининг сўзларига кўра, Ўзбекистон раҳбарининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар фаолияти, шунингдек, электорат билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасидаги ташаббуслари унинг янги форматдаги ислоҳотчи эканини яна бир карра намоён этмоқда.

Эксперт Ўзбекистон минтақавий иқтисодий сиёсат ва демократик ўзгаришлар марказига айланиб, жадал ривожланмоқда, деб ҳисоблайди. Мамлакатда давлат ҳаётининг барча жабҳалари, шу жумладан парламентда асосий ҳуқуқий тамойиллар ва гендер тенглигини кенгайтирмоқда. Шу билан бирга, республиканинг ташқи дунё билан, жумладан, хорижий давлатлар парламентлари билан кўп қиррали алоқалари фаоллашмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида кўтарилган масалаларга тўхталиб, у Ўзбекистонда боғдорчилик ва чорвачиликни қишлоқ хўжалигининг локомотиви сифатида янада ривожлантириш бўйича қўйилаётган долзарб вазифаларга эътибор қаратди. "Дарҳақиқат, 21 асрда ҳар бир миллатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу маънода, давлат раҳбарининг кенг кўламли ислоҳотлари самарасида энг ривожланган агросаноат мажмуига эга Ўзбекистон минтақанинг озиқ-овқат марказига айланиши мумкин", — деб таъкидлади у.

Х.Жаффри сўнгги икки йилда Покистон Ўзбекистондан импорт қилаётган мева ва сабзавотлар ҳажми уч баравар ошганини (80 миллион доллардан кўпроқ) бунга мисол тариқасида келтирди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали натижалари ҳамда ушбу соҳада Покистон – Ўзбекистон ҳамкорлиги учун улкан салоҳият мавжудлигини намойиш этади.

Умуман олганда, ГСТМ раҳбарининг фикрича, Ўзбекистон Президенти сўнгги йилларда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича улкан ишларни амалга оширди. Жамиятдаги сиёсий фаоллик ошди, халқнинг парламент ва ҳукуматга бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда. Бу эса республика барқарор ривожланишининг кафолати бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари "Diplomatic News Agency" ва "Islamabad Post" янгиликлар порталларида эълон қилинди.

"Дунё" АА

ТИНЧЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Биз Ватанимизни озод ва мустақил, гўзал ва бетакрор дея таъриф этамиз. Ватан тинчлигини ҳимоя қилишда эса ҳар бир фуқаро юрт тараққиётига дахлдор бўлиб, ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Ёшлар илм-ҳунарлари билан кексаларимиз дуолари ва ибратли насиҳатлари билан тинчликнинг бардавом бўлишига, мард ва жасур посбонлар эса чегараларимиз дахлсизлигига хизмат қиладилар.

Айнан шу жиҳатларни ўз ичига олган Ватанпарварлик ойлиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчи ва ходимлари ташаббуси билан кўплаб ишлар амалга оширилди. Республикамиз бўйлаб "Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати" шиори остида, юқори савияда ташкиллаштирилган тадбирлар, хайрия акциялари, концерт дастурлари юртимизнинг барча аҳоли қатламларини қамраб олгани шубҳасиз.

Хусусан, юртимизнинг турли нуқталарида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизимидаги барча бошқарма, ҳарбий қисм, бўлинмалар ҳарбий хизматчи ва ходимлари томонидан бир ойлик муддат мобайнида шаҳар, туман марказларида аҳоли иштирокида ҳарбий парад ва фестиваллар, мусиқий дастурлар, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг намойишлари, югуриш марафонлари, тарғибот тадбирлари, акциялари, шунингдек, "Аскар оналарини шарафлаймиз!" мавзусидаги муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ва уларнинг яқинлари ўртасида видеомулоқотлар ўтказилди.

Турли поғонадаги таълим муассасалари, Меҳрибонлик ва мурувват уйларида эса ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган кўплаб ҳарбий маънавий-маърифий тадбирлар, кўргазмалар, уч авлод учрашувлари, музей, театр ва ҳарбий қисмларга экскурсиялар, спорт мусобақалари ҳамда танловлар ташкил этилиб, энг фаол ва ғолиб бўлган ёшларга совғалар топширилди.

Шу билан бирга, Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимлари Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ва меҳнат фахрийлари, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган хизматдошларининг оила аъзолари, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларининг ҳолидан хабар олиб, уларга зарур бўлган маънавий ва моддий ёрдам кўрсатдилар.

Жумладан, Ватанпарварлик ойлиги доирасида ҳарбий хизматчи ва ходимлар учун ҳам тадбирлар, ижодий учрашувлар, концерт дастурлари ташкил этилди. Замонлар ўзгарса-да, Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат моҳияти асло ўзгармайди. Турли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган ватанпарварлик тадбирлари юртимиз бўйлаб мунтазам равишда ўтказиб борилади.

Нозима МАХМУДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Матбуот хизмати офицери

Бугунги кунда, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик-ҳуқуқий ислоҳотлар жамиятда қонун устуворлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти кафолатлари ва инвестициявий муҳитнинг қонуний ҳимояси учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳамда аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга замин бўлмоқда. Амалга оширилаётган мазкур ислоҳотлар доирасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш давлатимиз ва жамоатчиликнинг бугунги кундаги устувор вазифаларидан биридир.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ўз навбатида маънавияти юксак, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қодир шахсларнинг етишига олиб келади. Айни чоғда бугунги замоннинг ўзи одамларимизни мамлакатимизни замонавийлаштиришда, демократик қадриятларнинг қарор топишида, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларни бошқариб, эркин, фаровон ва юксак маданиятли жамиятни барпо этишда катта катта ғоялар сари ундамоқда.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" бу масалада бурилиш ясади. Бундай нуфузли норматив ҳужжатнинг қабул қилинишига мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш зарурати асос бўлган.

Шунга кўра Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир. Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жамиятимиз ҳуқуқий саводхонлиги жиддий ошди, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти бирмунча кўтарилди.

Мазкур қонун ҳужжатининг мантиқий давоми сифатида, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

"Юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати" деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Шунингдек, Фармонга мувофиқ жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар "Юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати" деган ғоя остида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси қабул қилинди.

Аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини биладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўладиган фуқаролари тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш мазкур Концепциянинг асосий мақсади этиб белгиланди.

Концепцияни амалга ошириш натижасида фуқаро, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, шахсий эҳтиёжлар ҳамда жамият эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатнинг сақланишини таъминлаш, бола ва ёшлар онгига илк ҳуқуқий тушунчаларни ва одоб-ахлоқ қоидаларини тизимли сингдириб бориш, ҳуқуқий таълим-тарбияни узвий ва тизимли олиб боришга эришиш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларини яратиш ва жорий этиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, мансабдор шахслар ва фуқароларда қонунга ва ҳуқуққа бўлган ҳурмат ҳиссини кучайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини таъминлаш кутилмоқда.

Хулоса ўрнида соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий манбаларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш юзасидан қуйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги Фармонида белгиланган "Юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати" деган концептуал ғоя асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август 466-I-сон қарори билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"ни тараққий этган хорижий давлатлар тажрибаси асосида қайта кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тўғрисида"ги Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур Қонунда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг аниқ тизимини белгилаш, фуқаро ва давлат идораларининг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини, давлат идора ва ташкилотларининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича аниқ вазифа ва ваколатларини белгилаш лозим.

Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасида махсус ваколатли давлат органини ташкил этиш, бу борадаги давлат сиёсатининг ўз вақтида ва тизимли амалга оширилишида муҳим қадамдир. Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги қарори билан ташкил этилган, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислик қилувчи Республика Маънавият ва маърифат кенгаши таркибига кирувчи "Маърифат" тарғиботчилар жамиятини "Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" Республика Миллий маркази тариқасида қайта ташкил этиш ҳамда мазкур марказни мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат идораси этиб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Соҳага оид махсус ваколатли идоранинг ташкил этилиши ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз вақтида ва тизимли амалга оширилишига, давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича олиб борилган ишларини ўрганиш ва мувофиқлаштирилишига ташкилий асослардан бири бўлиб хизмат қилади.

Дилдора БАЗАРОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори в.б.,
Азизжон ХУЖАНАЗАРОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

Тиббиёт

МИЖОЗЛАР КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАРДАН МАМНУН

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, пойтахтимиз ҳокимияти соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Хусусий тиббий ташкилотлар томонидан аҳолига юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатилиши, соҳага хорижий инвестициялар жалб қилиниши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Чилонзор туманида яқинда очилган "CardioMed" клиникаси мисолида бунга амин бўлиш мумкин.

– Бизнинг шифокорларимиз ва тиббий ҳамшираларимиз — яхши ва меҳрибон инсонлар, улар ҳар бир мижозга алоҳида эътибор қаратади, – дейди клиниканинг бош шифокори, тажрибали кардиоревматолог, тиббиёт фанлари номзоди Дилдора Қосимова. – Улар ҳамиша беморни кўрикдан ўтказиш, текшириш, даволаш курсини тайинлашга шай. Бунинг учун клиникада замонавий тиббий жиҳозлар, махсус асбоб-ускуналар мавжуд.

Қайд этиш керакки, кардиология инсоннинг юрак қон-томир тизимини ўрганиш билан шуғулланувчи катта қисмини ташкил этади.

Кардиолог-шифокорлар ташхисни тўғри қўйиши, даволаши ва касалликлар профилактикасини амалга ошириши, мижозлар учун реабилитация усулларини ишлаб чиқиши керак. Уларнинг келажаги учун масъулиятни чуқур англаган ҳолда, "CardioMed" клиникаси мутахассислари сифатли ва қулай маслаҳат-диагностика, даволаш, соғломлаштириш ва бошқа турдаги тиббий хизматларни кўрсатади.

Ҳозирги пайтда клиникада маслаҳатларни ўтказиш, стационар ва амбулатория усулда даволаниш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Магнитотерапия кабинети ва лаборатория мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Айни пайтда юрак УТТ, ҳомила скрининги ва доплери, ЭКГ, ЭХО ЭГ, ЭЭГ, массаж, ультратовуш, электрофорез, парафин каби текшириш ва даволаш муолажалари амалга оширилмоқда. Шуни қўшимча қилиш керакки, бу ерда кардиологлардан ташқари терапевт, невропатолог, педиатр, гинеколог ва эндокринолог ҳам фаолият кўрсатмоқда.

– Шифокорларнинг касбий маҳорати, эътибори ва ғамхўрлиги туфайли мен оғир дарддан халос бўлдим, — дейди Шайхонтоҳур туманида яшовчи Аъзам Музаффаров. – Бу ерда мен билан бирга онам Зиёда ая ҳам шифо топди. Бугун биз оқ халатли қўли гул шифокорларга чин қалбдан самимий миннатдорлигимизни билдирмоқчимиз. Яратганнинг ўзи уларнинг умрини зиёда қилсин, бахт ва соғлиқ ато этсин.

"CardioMed" клиникаси мисолида яна бир бор шунга ишонч ҳосил қилдикки, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланишни рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар халқимиз турмуш даражаси ва сифатини оширишга кўмаклашади, "Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун" деган олийжаноб ғояни ҳаётга изчил татбиқ этиш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Ҳ.УБАЙДУЛЛАЕВ

Реклама ва эълонлар

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади
"TOSHKENT" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакети тўғрисида
МАЪЛУМОТ

№	Эмитент номи	Устав фондидаги давлат улуши, фоиз	Дастлабки биржа савдоларининг бўлиб ўтиш санаси	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм
1	"Ipak yo`li bank" АИТБ	0,41	05.02.2020	164 345 112	10	12,79	2 101 859 465,00

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107-уй. Телефонлар: 267-35-20, 267-35-24, 267-35-27, 267-35-41. E-mail: ndvakt.uz Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон: 71 259-22-29, 71 259-22-35. Биржа савдоларида иштирок этинг.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси оммавий савдоларга қўйилган давлат активлари бўйича электрон онлайн аукцион савдоларига таклиф этади
"E-IJRO-AUKSION" электрон онлайн савдо аукцион майдончасига сотувга чиқарилаётган давлат мулки объектлари
РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Объект манзили	Таъсисчиси	Давлат улуши ёки бино ва иншоотлар майдони		Сотиш учун асос (ПҚ/ВМҚ)	Савдо тури	Савдога қўйилган нархи, (сўмда)	Устав капитали, (сўмда)
				фоизда	кв.м.				
1	"TASHKENT INSURANCE GROUP" МЧЖ устав капиталидаги 13,64 % давлат улуши	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий шоҳ кўчаси, 31-уй	Давлат активларини бошқариш агентлиги	13,64	878,00	6.09.2019 йил ВМ-720-ф	аукцион	5 015 676 151,00	12 247 221 800
2	"ЭНЕРГОЗАШИТА СИЛВЕР СТАР" МЧЖ устав капиталидаги 15,0 % давлат улуши	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 23-уй	Давлат активларини бошқариш агентлиги	15,00	—	27.03.2019 йил ПҚ-4249	аукцион	135 649 000,00	382 800 000

Электрон онлайн аукцион савдо натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Электрон онлайн аукцион савдоси объектнинг жойлаштириш кунига қараб ҳар 15 кун муддатда соат 9.00-18.00 оралиғида ўтказилади. Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайти орқали олиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон: 71 259-22-29, 71 259-22-35. Савдоларга марҳамат қилинг!

Реклама ва эълонлар

Тошкент молия институти томонидан 2012 йилда Иноятов Ойбек Мирабидович номига берилган В № 615638 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи фаолияти
ТУГАТИЛДИ
Коллежга оид барча даъво ва аризаларни Чилонзор тумани, 19-мавзе, 4/1-уй манзилида қабул қилишини маълум қиламиз. Мурожаат учун телефон: (71) 216-46-73.

Яшнобод тумани, Авиасозлар-3 мавзе, 9-уй, 20-хонадон эгаси Абдурахманов Рустам Адхамович номига Яшнобод туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДК томонидан "Kaskad Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси номига Юсуф Хосҳожиб кўчаси, 58-11-уй манзилида жойлашган офис ва меҳмонхона учун берилган 10:05:01:01:03:0141 кадастр рақамли 2-1005-19-384 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказининг "Бахшичилик санъати" йўналиши тингловчилари учун "Ўзбек достончилик мактабларида устоз-шогирдлик анъаналари" мавзусидаги илмий-ижодий давра суҳбати бўлиб ўтди.

УСТОЗ-ШОГИРДЛИК АНЪАНАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда филология фанлари доктори, академик Тўра Мирзаевнинг шу мавзудаги қизиқарли тадқиқотлари тингловчилар эътиборига ҳавола этилди.

Кейинги йилларда миллий маданий меросимизни асраб-авайлаш, уни мамлакат ва халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, ўзига хос мактаб ва анъаналарини ривожлантириш юзасидан тизимли ишлар бажарилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрда қабул қилинган "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори мазкур соҳани янада равнақ топтириш, миллий бахшичилик ва достончилик санъатимизнинг ноёб намуналарини асраб-авайлаш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтиришда, мазкур йўналишда турли халқлар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг амалий натижаси ўлароқ, Термиз шаҳрида ўтган йили бахшичилик санъати бўйича илк халқаро фестиваль кўтаринки ва байрамона руҳда ўтказилди. Ўзбек бахшичилик ва достончилигини кенг тарғиб этиш, мазкур йўналишда ижод қилаётган ёшлар сафини тобора кенгайтириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларида ҳам бу йўналишда сабоқлар ташкил этишни самарали йўлга қўйиш юзасидан тизимли ишлар бажарилмоқда.

Тадбирда ўзбек достончилик мактабларида "Устоз-шогирд" анъаналари бўйича янги-янги илмий ва ижодий изланишлар, инновацион лойиҳалар бўйича фикрлар билдирилди.

Н.УСМОНОВА

МУЗЕЙЛАР ИШИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Миллий маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, музейлар фондини бойитиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, электрон каталог тизимини яратиш йўлида муҳим ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси бу йўналишда бир қатор ишларни тизимли амалга оширмоқда. Жумладан, жамғарма томонидан мамлакатимизнинг тўртта – Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Ойбек уй-музейи ва Игорь Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида синов тариқасида электрон каталог тизими жорий қилинди.

Тизим икки босқичда жорий этилади. Биринчи босқич фақат музей ходимлари учун мўлжалланган ички электрон каталог тизимидир. Ушбу электрон каталог музейнинг ички ҳисоботларини бошқаришга ва махсус дастур орқали музей экспонатлари бўйича ҳужжатлар тузишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Миллий музей фондининг электрон каталог тизимини жорий этиш Museum Plus дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилади. Ушбу дастурни 1998 йил Берн шаҳрида фаолият бошлаган "Zetcom" компанияси (Швейцария) мутахассислари ишлаб чиққан. Ушбу компания Берлин, Париж ва Барселона шаҳарларида ўз филиалларига эга, Сингапур ва Афинада ҳамкорлик офислари бор. Museum Plus платформасидан Лувр музейи, Нью-Йорк шаҳри музейи, Шимолий-ғарбий маданият ва санъат музейи каби кўплаб машҳур музейлар ҳам кенг фойдаланади.

Мутахассисларга мазкур дастурдан фойдаланишни ўргатиш мақсадида "Zetcom" компанияси ходимлари тренинглар ўтказди. Машғулотлар давомида тингловчиларга Museum Plus платформаси билан ишлаш ўргатилди. Шунингдек, мазкур дастурнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Тайёргарлик тадбирлари якунида юқорида номи тилга олинган музейлар ходимлари электрон каталог тизимини яратиш бўйича ишлар олиб борди. Ҳозирда Museum Plus тизимидан фойдаланиш ишлари бошлаб юборилган.

Иккинчи босқичда ташқи виртуал галерея – музейларнинг каталоглари жойлашган сайтни яратиш режалаштирилган. Мазкур сайт барча интернет фойдаланувчилари учун очиқ бўлиб, унда экспонатларни юқори сифатда томоша қилиш, шунингдек, ҳар бир музейнинг асосий экспозициясидаги экспонатларнинг таърифи ва тарихи билан танишиш имкони бўлади.

(ЎзА)

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли халқларимиз ўртасидаги алоқалар янги босқичга чиқди.

Қардошлар адабиёти

"ЎЗБЕК ЎЗ ОҒАМ, ҚОЗОҚ КЎЗ ОҒАМ!"

Зеро, дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишида сўз санъати – адабиётнинг ўрни беқиёс. Улуғларимиздан "Ўзбек ўз оғам, қозоқ кўз оғам" деган иборани кўп бора эшитганмиз. Бу тарихий эътироф исботини Ойбек ва Мухтор Авезов, Чўлпон ва Мағжан Жумабой, Собит Муқонов ва Ғафур Ғулом, Миртемир ва Абдулла Тожибоев, Носир Фозилов ва Қаловбек Турсунқулов, Абдулла Ориф ва Ўлжас Сулаймон, қолаверса, Исроил Сапарбоев, Мархабат Байғут, Қулбек Эргўбек, Хонбиби Есенқораева, Ерсин Қўйбоқаров, Сабит Дусанов, Отаули, Муҳаммад Хайруллаев, Мехмонқул Исломқул, Мирпўлат Мирзо, Музаффар Аҳмад, Есенғали Равшан, Гулдарё Аширбаева ва бошқа қатор ижодкорлар ҳамкорлиги мисолида ҳам кўрамиз ва фахрланамиз.

Яқин ўтмишда қозоқ адабиёти вакиллари томонидан яратилган асарлар ўзбек тилига ва ўзбек ижодкорларининг асарлари қозоқ тилига таржима қилиниб, ҳар иккала халқ ўқувчилари улардан ўз вақтида баҳраманд бўлиб келган.

Чимкент шаҳридаги "Ўтрор" кутубхонасида ўтказилган "Мартабали шеърият минбари" деб номланган адабий тадбир ҳам ана шу дўстона ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Таниқли шоир, маҳоратли журналист, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдаулетнинг "Қарағай" деб номланган шеърий тўплами бир гуруҳ чимкентлик ўзбек ижодкорлари томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, Ўзбекистонда чоп этилди. "Қарағай"нинг кенг китобхонларга тақдимоти муносабати билан уюштирилган тадбир чинакам адабиёт байрамига айланиб кетди.

Улуғбек Есдаулет шеърияти, унинг бетакрор жозибаси ўзбек шеърияти ихлосмандларини ҳам бефарқ қолдирмайди. Адабиёт, аввало, инсоннинг ички туйғуларини, эзгу аъмоллари ва орзу-армонларини ифода этади. Улуғбек Есдаулет шеърларини ўқир экансиз, бевосита қозоқ халқининг жўмард қалбини тинглайсиз, бепоён дашту далаларда ризқини териб юрган бовурларимизнинг қувончу ташвишларига шерик бўласиз.

У.Есдаулетнинг ушбу тўпламдан жой олган шеърларини қозоғистонлик бир гуруҳ ўзбек ижодкорлари таржима қилишида ҳам ўзгача моҳият мужассам. Уларнинг бир муҳитда яшаб, ижод қилиб келаётганлари, шоирнинг ўй ва кечинмаларини нозик ҳис эта билганлари таржимада ўз аксини топган.

Чимкент шаҳар ҳокими Е.Айтаханов Қозоғистон давлат мукофоти совриндори У.Есдаулет шеърларининг ўзбек тилига таржима қилинишида ҳам тарихий уйғунлик борлигини, бу ўзбек-қозоқ адабиёти дўстлигининг мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Улуғбек Есдаулет ижодидан янги намуналар ўқиб берди.

Озода БЕКМУРОДОВА

Инсон борки, гўзалликка интилиб, мўъжизалар яратиб яшайди. Айниқса биз – хотин-қизлар ҳуснимиз гўзал, қадди-қоматимиз келишган, бир сўз билан айтганда, ҳамманинг диққат-эътиборида бўлишни хоҳлаймиз. Бунинг ёмон томони йўқ. Айтадилар-ку: "Дунёни гўзаллик қутқаради", деб. Яна халқимизда "Онангни отангга бепардоз кўрсатма", деган гаплар ҳам бор...

Гўзаллик сирлари нимада?

СОЧЛАРИНГНИ САРИҚҚА БЎЯБ НИМА ҚИЛАСАН?

Азиз опа-сингиллар, келинг, бугун уй юмушлари, рўзғор ташвишлари-ю пишир-қуйдир ҳамда бола тарбиясидан ортиб, бироз ўзимизга ҳам вақт ажратамиз. Анчадан буён таралмаган, йўғай бўялмаган сочларимизга жило бағишлаш тўғрисида гаплашамиз. Қуруқ маслаҳатнинг кимга кераги бор, дейсизми? Тўғри айтасиз. "Ҳолва" деган билан оғиз чучимайди. Яхшиси, анчадан бери турмуш ўртоғининг ўзига нисбатан бепарволигидан ҳадиксираб юрган, ичини минг хил шубҳа-гумонлар кемираётган дугонамизга ёрдам берамиз.

"Мубина", "Willa", "Lady.D" "Beest salon" – хаёлимизга келган салон номлари. Пойтахтимиздаги мазкур салонларнинг бирига борсак, борибмиз-да. Дугонам хурсанд. Хаёлан сочлари бўялган, имижи ўзгарганини тасаввур қилади. Юзидаги ним табассум, умид билан боқаётган кўзлари менга ҳарқалай шундай туюлди.

– Шошилманг, ўртоқжон, – дейман жараённи нимадан бошлашни билмай. – Ахир, сизнинг иккита (уч ярим ёшли ўғли, тўрт ойлик қизчаси) шумтакангиз ҳам бор-ку! Уларни кимга қолдириб кетамиз. Яхшиси, мен аввал шаҳримиздаги "Гўзаллик" салонларидаги қулайликлар билан қизиқиб кўрай. Балки уларда ёш болалар учун алоҳида мослаштирилган хоналар бордир. Ана мушкулимиз осонлашди. Шуни ҳам ўйлаб ўтирибмизми? Замонавий салонларнинг кўпчилигида бундай имкониятлар яратилганига шубҳам йўқ. Шундай дейману, ўзим ҳам салоннинг бир четидаги кичик барда чойхўрлик қилиб, мусиқа тинглаб, дугонамни кута бошлайман. Сочининг ранглари ўзига ярашган, хуснига минг хусн қўшилган дугонам олдимга келади-да: "Кетдикми, ўртоқжон?" дейди. Иккаламиз салондаги нариги, кичкинтойларни қолдирган хонага ўтамизда, истараси иссиқ, қорачадан келган, чамаси ўттиз ёшлар атрофидаги аёл қўлидан тўрт ойлик болани оламиз. Унинг тўполончи акаси эса олдимизга югуриб келиб, яна бироз шарик тўлдирилган ҳовузда ўйнашни илтимос қилади. Унинг қўлидаги шарик тап этиб ерга тушиб кетди-да, хаёлимни учириб юборди. Бир сесканиб тўғримга қарасам, бояги нигоҳ ҳали ҳам менга умид ва сабрсизлик билан боқиб турибди...

Бир эмас, бир нечта кўзга кўринган "Гўзаллик" салонларига бориб чиқдим. Аммо уларнинг ҳеч бирида мен хоҳлаган хизмат йўқ эди.

– Салонимизда мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатилади, – дейди "Lady.D" "Гўзаллик" салони стилисти Наргиза Ҳабибуллаева. – Икки қаватли бинонинг биринчи қаватида эркаклар ва аёллар учун алоҳида хоналар мавжуд. Бу ерда мижозларга малакали "парикмахер" (сартарош) ва макияжчилар хизмат кўрсатади. Юқори қаватда ҳам маникюр, педикюр сингари хизмат кўрсатиш хоналари бор. Кутиш зали ва ундаги кичик бар меҳмонларимизга манзур бўлади. Аммо ҳали бизда сиз айтгандек болалар хонаси йўқ. Келажакда, эҳтимол сиз айтган хизматни ҳам йўлга қўярмиз. Шунда ёш болали аёлларга ҳам қулайлик яратилади.

"Айтганингиз келсин!" дейманда, борига шукр килиб, дугонамни ўша салонларнинг бири "Мубина"га олиб бораман. Одам кўп. Кичик бир хонада олтита кўзгу қаршисида олтита ўриндиқ. Уларнинг аксарияти банд. Теварак-атрофдан хизмат турлари, қулайликлари, қолаверса, баҳоси акс этган "прейскурант" – нархномани қидираман. Деворнинг у ер-бу ерида машҳур қўшиқчи аёлларнинг, чиройли қизларнинг сурати бор, холос...

Тополмагач, "келинг!" дея менга "мақсадга ўтинг!" дегандек қараш қилиб турган қизга юзланаман: "Сиз ким бўласиз?". "Нима керак, сочингизни кестирасизми?" дея саволимга савол билан жавоб берган бу қиз шу ерда ишловчи сартарошлардан бири экан. Бизни кузатиб турган дугонамнинг кулгусига "Қаердан билай. Бизга ўхшаган мижозлардан бири деб ўйлабман-да! На формаси, на махсус кийими, на олдида фартуги бор!" деб жавоб берай дейману, ичимга ютиб қўя қоламан. Буни қарангки, соч бўёғини ҳам ўзимиз билан олиб келишимиз керак экан. Қизиқ, салонда соч бўёқлари ва шунга ўхшаш керакли анжомлар бўлмаса. Салон ходимаси бу ҳолни қуйидагича изоҳлайди: бу ерда ҳам (ҳозирча тугаган бўлса-да) соч бўёқлари бор, бироқ бозор нархидан анча қиммат. Шунинг учун бўёқни мижоз ўзи билан олиб келгани маъқул.

"Парикмахер"нинг тавсияларига кўра "Acme Color" деб аталувчи соч бўёғини олиб келдик. Салончи қиз бўёқни аралаштириб ишга киришди. Бир четда ўриндикда ўтириб, бўёқ қутисидаги қўллаш учун кўрсатмани ўқий бошладим. Ундаги "Ҳар бир бўяш олдидан, албатта, маҳсулотни қўллашдан 48 соат олдин терида сезувчанлик синамасини ўтказинг" деган ёзувни кўриб, сочларга бўёқ суртиш ҳаракатига тушган қўлларни тўхтатиб қолдим. Кўрсатмада ёзилишича, терини сезувчанликка текшириш муҳим эҳтиёт чораларидан бири ҳисобланади. Соч учун мўлжалланган ҳар бир бўёқ аллергик реакция юз беришига сабаб бўлиши мумкин. Сочни дастлабки маротаба бўяшдан олдин аллергия синамасини ўтказиш тавсия қилинади. Бунинг учун металлдан ишланмаган идишчада озгина миқдорда бўёқ тайёрланиб, аралашманинг оз миқдори тирсакнинг ички қисми ёки кафт терисига суртилади. Ўттиз дақиқадан сўнг аралашма ювиб ташланади. Агар 48 соат давомида терида қизариш аломатлари юзага келмаса, бу воситани қўллаш мумкин бўлади.

– Асосан сочлар 45-50 ёшдан бошлаб оқара бошлайди, – дейди дерматолог Гўзал Алимова. – Сочларни 40 ёшдан бошлаб бўяган маъқул. Ёш ўтган сари терининг сезувчанлиги камаяди. Турли соч бўёқларидан фойдаланиш натижасида аллергик касалликлар билан мурожаат қилувчиларнинг кўпчилигини 35-45 ёш оралиғидаги хотин-қизлар ташкил қилади. Бўёқни нотўғри қўлланганда, сақланиш муддати ўтган, сақлаш қоидасига риоя этилмаган бўёқдан фойдаланганда, аллергия бериш ҳоллари кузатилади. Инсон организми ҳар хил бўлганлиги сабабли, кимгадир мос тушган бўёқ бошқа бировга аллергия бериши мумкин. Шу сабабли сочни бўяётганда ҳар бир организмга индивидуал ёндашган маъқул. Баъзи бир хотин-қизлар сочларини бўяб ёз фаслларида қуёш нурида юришади. Қуёшнинг нурлари таъсирида аллергия бериб, бош териси ачишиб, юзлари шишиб, тиббий ёрдамга эҳтиёж сезишади. Агар вақтида ёрдам кўрсатилмаса, терида доғлар, тошма излари қолиши мумкин. Эҳтиёж бўлмаса, сочларни бўямаган маъқул. Сочларнинг табиий рангига ҳеч қандай бўёқ тенг келмаслигини, айниқса, ёш қизлар англаб етса яхши бўларди.

Кўча-кўйда негадир кўпчилик ёшгина қизлар ярашса-ярашмаса, сочларини қора, сариқ, малла, қизғиш каби рангларга бўяб олганига гувоҳ бўламиз. Улар ўзларининг бу одатлари билан ўзга миллат вакиллари, ажнабий кино юлдузлари ёки қўшиқчиларга тақлид қилаётгандек, назаримда. Баъзи бировларда сочнинг эрта оқариши кузатилади. Ана шу ва бошқа касалликларда бу каби воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, балки. Аммо табиий, соғлом сочларни ҳар хил кимёвий воситалар билан "ҳар кўй"га солиш унчалик ҳам тўғримас. Ахир, табиий гўзаллик, сочларимизнинг табиий рангига нима етсин?! Момоларимиз соч парваришига алоҳида эътибор қаратишган. Соч қиз боланинг ҳусни, дея уни гиёҳ дамламалари, қатиқ ва зардобга ювишган. Бу нафақат соч, балки бошга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Мутахассисларнинг фикрича, сочларни тез-тез бўяш инсон саломатлиги учун хатарли экан. Бунда сочлар кимёвий бўёқлар таъсирида соғломлигини йўқотади. Ўсишдан тўхтаб, соч тўкилиши кузатилади. Айни пайтда бўёқ ҳиди асаб тизимига, мия фаолиятига акс таъсир этиши ҳам мумкин.

Стилист Наргиза Ҳабибуллаева хотин-қизларнинг ўзларига оро бериб юришлари тарафдори эканлигини айтади.

– Бу дегани кимгадир ёки қайсидир сериал каҳрамонига тақлид қилиш дегани эмас, – дея фикрларини давом эттиради. – Айрим қизлар ёш бўлишига қарамасдан, сочларини сариққа бўяб олишади. Бу ранг ҳаммага ҳам ярашавермайди. Аксинча, ёшини улғайтириб кўрсатади. Масалан, қорачадан келган, қора қош, қора кўз қизларга сочларини сариқ рангга бўяшларини тавсия қилмаган бўлардим. Агарда эҳтиёж бўлмаса, сочларни бўямаган, имкони борича камроқ бўяган маъқул экан. Соч бўяшдаги оралиқ камида икки ой бўлиши керак.

Шунингдек, ҳомиладор, ёш болали (сутдан ажралмаган гўдаги бор) аёллар маълум вақт кимёвий бўёқлардан фойдаланмаганлиги мақсадга мувофиқ. Негаки, инсон вужудида улғаяётган гўдакнинг тана аъзолари шаклланишига ҳар қандай кимёвий унсур, ҳидлар таъсир қилиб, ножўя таъсирларни келтириб чиқариши мумкин.

Соч рангини тез-тез ўзгартириб туриш, янги имиж яратиш кўпчиликка завқ бағишлайди. Аммо саломатлик ҳар нарсадан устун. Бундан ташқари эҳтиёж бўлмаса-да, мода кетидан қувиш доим ҳам яхши оқибатларга олиб келмас экан. Шу нуқтаи назардан, "Гўзаллик" салонларида сочни бўяшдан олдин мижозга қайси ранг (ёки соч турмаги) ярашишярашмаслигини кўрсатиш учун уни аввал компьютерда моделлаштиришни йўлга қўйиш керакмикин? Ўшанда аксарият кишилар ўзларига ярашмаган, юз терисига мос келмайдиган ранг ёки соч турмагини танламаган бўлармиди?

Тавсияларга кўра, дугонам сочларини уй шароитида парваришлаяпти. Сочига мос тушувчи шампун билан ювиб, петрушка дамламасида чайқаяпти. Энди унинг сочлари жилоланиб туради. Шунинг учун ҳам бўлса керак, турмуш ўртоғи унга тез-тез "Кундан кун очилиб кетяпсиз!" деркан. Демак, оиланинг мустаҳкамлиги аёл кишининг ботиний ва зоҳирий гўзаллиги, оқилалиги, тежамкорлигига боғлиқ. Бунда эса, албатта, сизнинг тўғри танловингиз жуда муҳим.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Реклама ва эълонлар

П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи томонидан 2012 йилда Назимбекова Наргиза Ғанишер қизи номига берилган К № 2703168 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яккасарой ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр" давлат корхонаси томонидан Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 69-уй, 1-корпус, 6-хонадон эгаси Юлдашева Инобатга берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент ш., Чилонзор туманидаги №195А-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2001-2002 ўқув йилида Mingazova Taisiya Ildarovna номига берилган O'R-E № 0173118 рақамли умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети томонидан 2017 йилда Шарипов Жамшид Таштемир ўғли номига берилган № 0639 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДК томонидан "KOMPRADOR" МЧЖ ҚК номига Чилонзор тумани, 16-мавзе, Ботирма кўчаси, 5/1-уйда жойлашган "Офис" учун 2018 йил 19 июлда берилган, (кадастр рақами 10:03:04:01:01:0007), (реестр рақами №2-1003-18-00322) кадастр ҳужжатлари ва ер участкаси, бино-иншоотларга берилган TS 0094530 ва TS 0359027-сонли гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи томонидан 2012 йилда Sa'dullayeva Nazokat Zaynutdin qizi номига берилган К № 2701920 рақамли (438-рўйхат рақамли) диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Халқаро бўлим услубчиси Умида Абдуллаева Умидовнага турмуш ўртоғи

Илья ШОРНИКОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **24 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан шарққа йўналишини ўзгартирган шамол секундига 5-10 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 0-2 даража совуқ, кундузи – 5-7 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5223

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 146

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1164 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ